Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 5 (10.254).

1992 йил 8 январь чоршанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

• Янгийўл хабарлари

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

● ЙИЛ якунланди. Сарҳисоб вақти келди. Демак, қайси соҳада бўлмасин, қилинган меҳнатга яраша баҳо берилиши шарт. Жойларда хўжалик йили якунлари кўриб чиқилмоқда. «Ленинизм» жамоа хўжалиги фермасида ўз меҳнати билан обрў қозонган ва айни пайтда эллик бош бузоқни меҳр билан парвариш қилаётган бузоқбоқар Гулнора Каримова йил якуни бўйича ғолиб деб топилди. Хўжалик маъмурияти унинг меҳнатини муносиб тақдирлади. Гулнорага ҳозирги пайтда камёб ҳисобланган палос мукофот тариқасида берилди. Бундан руҳланган илғор чорвадор янги йилда ҳам самарали меҳнат қилишга сўз берди.

—●—

КЎЧАТ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

● ҲАДЕМАЙ баҳор эшик қоқади. Демак, ҳақиқий деҳқон борки, ўз ерида у—бу нарса экиб, тирикчилик қилсам, дейди. Лекин уруғ, кўчат масаласи... Ҳарқалай яхши кўчат—мўл ҳосил дегани. Мўл-ҳосил эса, дастурхон тўкин-сочин, яхши яшаш деган гап.

«Ленинизм» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчилар кўчат, уруғ масаласида ортиқча ташвишга бормасалар ҳам бўлади. Чунки, хўжаликда уста деҳқонлардан таркиб топган кўчатчилик бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Раҳмонали Юсупов бошчилик қилаётган бу бригада заҳматкашлари экин-тикин юмушлари бошлангунга қадар, аҳолига бир ярим миллион тўп серҳосил помидор ва карам кўчатлари етказиб беришни ўз зиммаларига олишган. Айни кунларда иссиқхоналарда 700 мингга яқин карам кўчати парвариш қилинмоқда.

—●—

ПИШИҚ ҒИШТ ТАЙЁРЛАНАДИ

● АҲОЛИГА, хусусан уйжой қурувчиларга енгиллик яратиш мақсадида Ниёзов номли жамоа хўжалигида ўтган йили хом ғишт ишлаб чиқарадиган корхона қурилиб ишга туширилган эди. Г. Колагушин бошқараётган жамоа 100 минг донадан кўпроқ хом ғишт тайёрлашиб, аҳолига ҳарқалай арзонроқ нархда сотишган ва кўпнинг дуосини олишга муяссар бўлгандилар. Бундан руҳланган корхона ишчилари жорий йилдан пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни ўз зиммаларига олишди.

Айни кунларда корхонада таъмирлаш-тайёрлаш ишлари олиб борилаяпти. Агар бу амалга ошадиган бўлса, уй қурувчилар учун яна бир катта қулайлик яратилишига шубҳа йўқ. Асосийси эса, одамларни ортиқча ташвишлардан ҳоли қилади.

—●—

МАЛАКА ОШИРИЛДИ

● МУТАХАССИСЛАР маслаҳатини олишда ҳам гап кўп. Айниқса, соҳа билимдонлари тажрибаси, албатта ишлаб чиқаришда қўл келади. Янгийўл ноҳиясининг азамат пиллакорлари бу йил давлатга мўл-кўл «кумуш тола» етказиб беришга сўз берганлар. Шунинг учун улар мавсум арафасида пиллачилик соҳасининг билимдонлари билан фикр алмашишни лозим топдилар.

Яқинда ноҳия пиллакорларидан ўн нафари Тошкент шаҳрида малака оширишда бўлиб қайтдилар. Тажриба орттириш учун яна ўн киши пойтахтга боради.

Холхўжа МИРЗАЕВ.

ЛИВИЯ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛДИ

Ливия Араб Жамаҳириясининг Тошкентдаги Бош консулхонасидан баёнот олинди. Унда қуйидагилар таъкидланади:

Ливия Араб Буюк социалистик халқ жамаҳириясининг ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик халқ шўъбасининг халқ комитети Ўзбекистон Республикасининг истиқлолли мустақил давлат деб эълон қилинганини қутлайди ва Ливия Араб жамаҳириясининг халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва миллий йўлини танлаб олиш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олганини маълум қилади.

Халқ шўъбаси Ливия Араб Жамаҳириясини Ўзбекистон халқи билан боғлаб турган дўстона муносабатлар ва яхши ҳамкорликни давом эттириш муддаосини тасдиқлайди. Ливия Араб Жамаҳириясининг ўзаро манфаатларни кўзлаб, бу муносабатларни ривожлантиришга тайёрдир.

(ЎзТАГ).

Қувайт амири олий ҳазратларининг девони

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ислом КАРИМОВ ҳазрат олийларига

Халқингиз сизга ишонч билдирдики, шу муносабат билан Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан зўр мамнуният билан қутловлар йўллайман. Халқингизнинг муддаосини акс эттирувчи оқилона сиёсат ва шу муддаони амалга ошириш йўлидаги тинимсиз кучғайратлар мустақилликка эришишга мушарраф этди.

Қувайт халқи халқларнинг курашини ва уларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб, қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари негизида барча давлатлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга чақиради, инсоннинг бахт-саодатига ва унинг турмушини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ҳамма ишларни табриклайди. Сизга ва дўстпарвар халқингизга ҳозирги ривожланиш босқичида тараққиёт ва равнақ тилаймиз. Биз халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаверамиз, бизнинг ҳамкорлигимиз ва ўзаро манфаатимиз бу алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашаверади. Бу алоқалар янги халқаро вазият шароитида эзгулик ва тинчлик ишига хизмат қилади. Энг яхши тилакларимни ва зўр эҳтиросимни қабул этгайсиз.

Жобир ал Аҳмад ас-Сабоҳ,
Қувайт амири.

Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамада

6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқ таълими, фан ва маданий меросни асраш комитетининг олий ўқув юртлари ректорлари, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари, шунингдек таълимга алоқадор халқ депутатлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Уни комитет раиси А. Аскаров олиб борди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳақидаги биринчи батафсил ҳужжат бўлиб, у жамият ва оила олдидаги фуқаролик бурчини ўзининг юксак билими, касбкори билан адо этишга қодир бўлган ҳар жиҳатдан баркамол ва эркин шахсни шакллантириш мақсадига хизмат қилишини таъкидладилар, унинг айрим бандлари тўғрисидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига тақдим этишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисни комитет раиси Э. Н. Хўжаев бошқарди.

Молия вазири Э. Ж. Боқибоевнинг маърузасида 1992 йил республика бюджетини шакллантиришнинг асосий кўрсаткичлари баён қилиб берилди.

Республика бюджетининг муҳокамаси Олий Кенгашнинг комитетлари ва комиссияларида давом эттирилади. Сўнгра Олий Кенгаш сессияси тасдиқлаши учун тақдим этилади, Олий Кенгаш сессияси 16 январь куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

• Мутахассис маслаҳати

ТОМОРҚАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Республикамиз Президенти фермонига биноан сўнгги йилларда аҳолига томорқа ерлари ажратиб берилмоқда. Ва бу ерлардан унумли фойдаланиш учун қатор имкониятлар ҳам вужудга келмоқда. Аввало, томорқа ерлари ажратилишидан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпайтириш ва шу орқали дастурхонимизнинг мўл-кўллигини таъминлашга эришишдир.

Лекин томорқа ерларидан фойдаланишни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳадемай баҳор эшик қоқади. Шунинг учун мутахассисларни жалб қилиб, ерга экиладиган сабзавот турларининг қайси нави қачон ва қандай экилиши ҳақида маълумотлар бериб боришни лозим топдик.

ТОМОРҚА ерида сабзавот етиштиришни ният қилганлар бир нарсага жиддий эътибор қаратишлари лозим. Экиладиган ҳар бир сабзавот турининг эртаги, ўртаги ва кечки навлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос парваришни, ўзига яраша ҳарорат ҳамда намликни талаб қилади. Масалан, эртаги муддатда экиладиган сабзавот ва картошка уруғини олиб кўрайлик. Бу уруғ навлари кечки муддатда пишиб етиладиган сабзавотга нисбатан иссиқликни кам талаб қилади. Ҳамда бошқаларга қараганда совуққа бир мунча чидамли бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда иш юритиш фақат фойда беради, холос.

Эртаги муддатда сабзавот етиштириш учун биологик эртапишар ҳамда тезпишар навларни танлаш лозимдир. Сабзавот турларидан юқори ҳосил олай десангиз, редисканинг «Эртапишар», «Оқ тумшуқ — қизил редиска», сабзининг «Мушак», лавлагининг «Бордо», бодрингнинг «Эртаги 645», пиёзнинг «Каба», памидорнинг «Восток», «Ўзбекистон», қарамнинг «Биринчи рақам», «Июнь», картошканинг «Белорусь — эртаги», «Приекульский», «Седов», «Детскосельский» навларини экишни тавсия этамиз. Тажрибалар шуни кўрсатяптики, бу навлар бошқа навларга нисбатан 15—20 кун илгари етилади ҳамда ҳосилдорлиги 10—15 фоизга кўпаяди.

Оилангизни йил бўйи сабзавот билан таъминлашни истасангиз экилган уруғларнинг бир қисмини эрта баҳорда пленка остига олиш керак. Бу ўсимликларнинг ўсишини бир мунча жадаллаштиради. Ҳамда очиқ ҳавода етиштиришдагига қараганда, 25—30 кун олдинроқ ҳосил олиш имконини беради.

Биринчи навбатда кўкатлар, редиска ва эртаги карамларни об-ҳаво шароитига қараб 10—15 февралдан бошлаб пленка остига экиш тавсия этилади. Шивит, исмалоқ, кашнич, қоҳу ва петрушка каби ўсимликлар уруғи жуда секин униб чиқади. Буни ҳисобга олган ҳолда, уруғликни ерга қадашдан 1—2 кун олдин илиқ сувга солиб ивитиб қўйиш лозим. Ерга қанча уруғ тушиши ҳам кўп нарсага боғлиқдир. Шунинг учун ҳар 10 кв. метр ҳисобига 15 граммдан шивит, 4 грамм исмалоқ, 5 грамм қоҳу, 4 грамм петрушка уруғлари 1—1,5 см. чуқурликда экилгани маъқул. Сўнгра, унинг устидан 1—2 см. қалинликда чиринган гўнг сепиб, мулчаланади. Пленка остида сабзавот ва кўкат ўстиришда қуёш нури тушадиган ерлар танланиши лозим. Экиб бўлингандан кейин симларни кетма-кет қадаб, плёнкани ёпиб қўйиш керак.

Картошка етиштиришда ҳам баъзи бир жиҳатларга эътибор билан қараш талаб этилади. Ерга маҳаллий картошка навидан экмоқчи бўлсангиз, экишдан 30—40 кун аввал ундириб қўйилиши, четдан келтирганини эса 20—25 кун олдин тайёрлаб қўйилиши лозимдир. Уруғлик 10—12 килограмм маҳсулот сиғадиган қутиларга жойланиб, ёруғ ва иссиқ хоналарда сақланади. Кўкартирилган тугунаклар вақтли униб чиқиб, эртароқ ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги эса 20—25 фоизгача ошади.

Хуллас, ернинг умрини бекор ўтказмаслик учун, бор имкониятни ишга солиб, қунт билан деҳқончилик ишлари билан машғул бўлишимиз зарурдир. Шундагина, дастурхонимиздан қишин-ёзин замин саховатининг ноз-неъмати аримайди.

Самутжон МАҲКАМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Сабзавот-полиз ва картошка экинлари илмий тадқиқот институтининг етакчи мутахассиси.

ҚАРОВСИЗ ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ

АНГРЕН шаҳридаги ёрдамга муҳтож 450 оиланинг ҳар бирига 3 тоннадан бепул кўмир келтириб берилди. 125 тоннадан ортиқ ёқилғи учун маблағ тўлашни Қизил Ярим ой жамияти ўз зиммасига олди.

— Шаҳримизда яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ногиронларни қайта рўйхатдан ўтказиб, уларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишдик, — дейди шаҳар Кенгаши маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Т. Юсупов. — Уларни зарур маҳсулотлар билан иложи борича таъминлаб турибмиз. Бу тадбирнинг амалга оширилиши қаровсиз оилалар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖИГАРИСТОН ЧИРОҚЛАРИ

Янги Жигаристон қўрғонида бунёд этилган 50 хонадонда биринчи марта Янги йил чироқлари порлади.

Шинам уйларда арча ясатилди, кичкинтойларнинг қувончи, айниқса чексиз бўлди. Катталар эса ана шу кунларга етмаган жигаргўшаларини эслашди. Ўтган йил 4 май тонготарида рўй берган машъум фожиа 53 нафар кишининг бошига етиб, уйлар вайрон бўлганлигини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ.

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши Жигаристон қўрғонида яшаётган аҳолининг осойишта ҳаёт кечириши учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Янги бунёд этилган қўрғонга олиб борадиган йўллар асфальтланди, тунги чироқлар ўрнатилди. Бунинг учун янги уйларда яшаётганлар қурувчилардан миннатдор бўлмоқдалар.

Бироқ бу ерда озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи дўконлар қуриб битказилганича йўқ. Ўқувчилар ҳали ҳам узоққа қатнаб ўқишмоқда. 1100 ўринли мактаб, боғча, ошхона ва чойхона тезроқ қурилиши лозим. Шундагина аҳоли зарур қулайликларга эга бўлади.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҚАРЗ ТЎЛАШ КЕЧИКТИРИЛДИ, БИРОҚ

● **Собиқ Совет Иттифоқига қарз берган 17 мамлакат вакилларининг Парижда бўлиб ўтган кенгаши ниҳоясига етди. Мазкур кенгаш Франция молия вазирлиги ташаббуси билан чақирилган эди. Унда собиқ Совет Иттифоқи ташқи қарзларини тўлаш жараёнини орқага суриш масалалари муҳокама қилинди.**

СССРнинг барча ташқи қарзлари 65 миллиард деб белгиланса, кенгашга йиғилган 17 мамлакат зиммасига 32 миллиард доллар тўғри келади. Мавжуд қонунларга биноан СССР ўз қарзларини 1991 йил 5 декабрдан бошлаб тўлай бошлаши, шу тариқа, жорий йил охиригача қисқа ва узоқ муддатли қарзлардан 3,2 миллиарди тўлаб бўлиниши кўзда тутилган эди. Бироқ, СССР йўқ бўлганидан сўнг унинг қарзларини собиқ СССРнинг иттифоқдоши жумҳуриятларидан 8 таси — Россия, Белорусь, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Молдово, Тожикистон ҳамда Туркманистон ўз бўйнига олди. Париждаги учрашувда масалага бундай ёндашув маъқулланди, ва мазкур жумҳуриятлар иқтисодий ислоҳотни изчил давом эттирсаларгина 3,2 миллиард қарзни тўлаш муддатини ҳам кечиктириш мумкин, деб ҳисобланди. Кечиктириш қисқа муддатли қарзларга тааллуқли бўлмайди.

ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

● **1978 ЙИЛДА Вьетнам Социалистик Жумҳурияти Камбоджага ўз қўшинларини киритганидан сўнг Япония Вьетнамга иқтисодий ёрдам бериш ишларини тўхтатиб қўйган эди. Эндиликда Японня Вьетнамга иқтисодий ёрдам бериш жараёнини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Японня ташқи ишлар вазири Митио Ватанабэ Пекинда журналистлар билан бўлган мулоқотда юқоридаги гапларни айтди.**

ПАНАМА КАНАЛИ ҲАММАНИКИ БЎЛСИН

● **БИР ГУРУҲ ноиблар Панама парламентига 2000 йилга бориб, Панама каналини «Ер куррасидаги барча халқларнинг мулкига айлантириш» тўғрисида таклиф киритди. Панама каналининг бундай мақомга эга бўлиши океанлараро сув йўлидан бемалол фойдаланиш имкониятини беради ҳамда у Торрихос-Картер шартномасига мос тушади, деб ҳисобланмоқда. Ноиблар Америкаиинг энг сўнгги жангчиси аср охирига бориб Панама худудини ташлаб чиқиб кетиши керак, Америка қўшинлари ўрнига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қисмларини таклиф этиш лозим, деган фикрни билдирдилар.**

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● **ЧАД пойтахтида ҳукумат қўшинлари билан исёнкор гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Бироз муддат аввал ҳукумат донраларни исёнчилар батамом тормор этилдилар, деган гапсўзларни тарқатган эдилар. Бироқ ҳаёт вазият ўзгача эканлигини кўрсатди. Ўтган якшанба ва душанба кунлари Бол ва Лива шаҳарларида тўқнашувлар авжига чиқди. Лекин кейинги хабарларга қараганда, ҳукумат маъмурларининг қўли ҳар ҳолда баланд келаётганга ўхшайди. Шу орада Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюма сўзга чиқиб, тартибни сақлаш мақсадида Чад пойтахтига киритилган Франция қўшинлари яқин кунлар ичида олиб чиқиб кетилади, деди.**

ФУҚАРОЛАР НОРОЗИЛИГИ

● **КЕНИЯ ҳукумати сўнггги кунларда озиқ-овқат, ичимликлар ҳамда сигареталарга нархлар оширилганлигини эълон қилди. Бундан норози бўлган минг-минглаб фуқаролар намойишга чиқдилар. Шуни айтиш керакки, тилга олинган маҳсулотлар учун белгиланган баҳолар ресторанларда, барларда, меҳмонхоналарда ҳамда бошқа жойлардаги муассасаларда ҳам оширилмоқда. Бундай қарор ҳукумат томонидан илгарироқ қабул қилинган эди. Аммо у ҳозирга келиб кучга кирди. Лекин, фуқаролар бундан дарҳол дарғазаб бўлдилар.**

ҚОЧОҚЛАР БОШПАНА ТОПДИЛАР

● **Бир неча кун муқаддам жаҳон ахборот воситалари Кубадан бир вертолетнинг олиб қочиб кетилганлиги ва унинг ичида 34 нафар Куба фуқаролари бўлганлиги тўғрисидаги хабарни тарқатган эдилар. Мана шундай ғайритабиий усул билан АҚШга келган 34 нафар кубалиқдан 33 таси сиёсий бошпана олиш ҳуқуқига муяссар бўлди. Шу муносабат билан Куба ҳукумати Америка томонига қатъий норозилик изҳор этди ва Америка маъмурларидан вертолетни ҳамда «қароқчиларни» қайтариб беришни талаб қилди.**

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

● **КОЛУМБИЯ пойтахтида ғалати бир суд жараёни давом этаётган эди. Қора курсида ўтирган 17 яшар Андрес Гутьеррес мамлакат президентлигига номзод қилиб кўрсатилган Бернардо Харамильони отиб ўлдиришда айбланаётган эди. А. Гутьеррес ўз қурбонини қора дори «салтанати» — Медельин гуруҳи раҳбарлари топшириғи билан отиб ўлдирган деган гап ўз исботини топаётган бир пайтда яна бир нохуш хабар тарқалди: А. Гутьеррес ва унинг отаси ўтган пайшанба куни ўз уйларида номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилди.**

● **ГЕРМАНИЯ Федератив Жумҳурияти ҳудудида хорижий мамлакатлардан иш қидириб келган кишиларга нисбатан олақўз билан қараш ҳоллари тобора кўпайиб бормоқда. Натижада, чет элликлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. СУРАТДА: ана шундай тўқнашувларнинг бирида полициячи «намойишчилар»дан бирини қўлга олмоқда.**

РЕЙТЕР — ТАСС сурати.

ЁШ БЎЛСА ҲАМ СОЗ ИШЛАЙДИ

Биринчи тўқув фабрикасининг учинчи цехида жамоанинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар ўрта мактабни тугатганларидан сўнг ёки билим юртини тамомлаб шу ерга ишга келишган. Айримларн қисқа мудат ичида таллаган касбларини пухта эгаллаб, илғорлар сафига етиб олмоқдалар.

Цехда шундай тўқувчилар ҳақида гап кетганда Гўзал Холбоева номини биринчилар қаторида тилга олишади. Асли фрунзелик бу қизнинг шу касбга меҳри, ҳаваси кучли бўлганлиги дарҳол сезилди.

У танлаган касбини тез ўрганиб олди. Шунинг учун ҳам янги типдаги СТБ-2-230 маркали тўқув дастгоҳларнинг бири унга ишониб топширилди.

Гўзал Холбоева ишончни оқламоқда, янги дастгоҳни ҳам тез ўзлаштириб олди. Шу кунларда смена топшириқларини 120 фоизга етказиб бажармоқда. Ишининг сифати ҳам кўнгилдагидай бўлаяпти. Эндиликда бу ёш, аммо соз ишлаётган тўқувчини илғорлар сафида тилга олмоқдалар.

М. ХОЛИЕРОВ,
Тошкент тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«ИСТИҚБОЛ» Ёшлар Маркази ва Қибрай яхна ичимликлар комбинати қошидаги «ЮЛДУЗ» маданий маркази ҳамкорлиқда

11 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да,

12 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ва 19.00 да

ЮЛДУЗХОНИМ АБДУЛЛАЕВАНИНГ

Соғинаман, йўлга қарайман деб номланган

КОНЦЕРТИНИ

ўтказади.
ДАСТУРДА:
хонанда

Доннёр МИРЗААҲМЕТОВ,

«Қизиқчи—90» танловининг дипломанти

Авазжон ТОЛИБЖОНОВлар

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

Дастурни Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чиптаалар соат 11.00 дан бошлаб сарой чиптахоналарида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби», «Максим Горький» бекатларида сотилади.

Маълумотлар учун телефон: 45-92-13.

Ўзбекистон—Туркия

ХУДДИ ЎЗ УЙИМИЗДАГИДЕК

ЎТГАН йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасидан 50 киши Туркияда бўлиб қайтдик. Тошкентдан Москва орқали Одессага бордик. Одесса божхонасидан «омон-эсон» ўтиб «Грузия» теплоходига жойлашдик. Теплоход замонавий жиҳозланган бўлиб, барча шароитлар муҳайё. Унда кўнгилдагидек дам олиб, кечга томон Истамбул портига етиб бордик. Оқшом тушиб қолган бўлишига қарамай бизни турк биродарларимиз очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Уларнинг бизларга нисбатан кўрсатаётган одамийликлари тахсинга сазовор эди.

Шундан сўнг биз эски танишимиз Алп Арслон Ориф ўғлининг уйига қўнғироқ қилдик. У тезда етиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг бизларни уйига таклиф этди. Унинг енгил машинасига ҳамроҳларимиздан Н. Абдуллаева, Д. Алиқулова ва мен ўтириб жўнадик. Йўл-йўлакай Туркия ҳақидаги олган таассуротларимиз ғоят бой ва сермазмун бўлди. Бизлар ташриф буюрган хонадон соҳибаси Рупия Арслоннинг синглиси бўлиб, аслида уларнинг ота-оналари қўқонлик ватандошларимиздан эди. Уларнинг оилалари Ҳиндистонда 12 йил яшаган, сўнгра Туркияда муқим яшаб қолишган экан. Бизлар ташриф буюрганимизда уларнинг ота-оналари Тошкентда эдилар. Шунга қармай акасингиллар бизларни жуда яхши кутиб олишди. Улар беш тилни — ҳинд, инглиз, араб, турк ва ўзбек тилларини мукаммал билишар экан. Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бўлишмаган. Арслон Истамбулда меъмор бўлиб ишлар экан. Рупия эса Истамбул дорилфунунининг учинчи курс талабаси. Уларнинг ўзбек тилини мукаммал билишларига қойил қолдик. Ана шу икки ёшни ўзлигини англаган, маърифатли ватанпарвар, ўз миллатига ҳақиқий содиқ инсонлар десак арзийди.

Бизларнинг келишимиздан дарак топган Арслоннинг қўшнилари Шаҳобиддин Убайдий, Муҳаммад Юсуф Акбар ҳам чиқишди. Етти-саккиз чоғлик меҳмонмезбонлар Ўзбекистон ва Туркия ҳақида анчагача қизғин суҳбатлашиб ўтирдик.

Мен эрта тонгда илк бор хорижий юртни—яъни бизлар кўпинча ва ҳатто яқин-яқинларгача танқид қилган капиталистик тузумни ўз кўзим билан кўриш учун йўлга чиқдим. Шаҳарда дўкон ва расталар жуда эрта очилар экан. Уларда моллар сероб, ҳаммаёқ тўкин-сочин, мўл-кўлчилик. Харид қилувчилар эса онда-сонда учрайди. Навбат кутишнинг ўзи йўқ.

Истамбулда бўлган уч кунлик саёҳатимизда оламолам таассуротлар олдик. Бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиш керак. У ҳам бўлса савдо тармоқларида, дўконларда бironта сотувчи аёл ёки хотин-қизларни учратмайсиз. Шунингдек, савдо шахобчаларида турли ташкилотларда ва дўконларда қоровул пойлоқчилар, темир панжаралар ҳамда сигнализацияларни кўрмадик. Туркияда ҳатто бу ҳақда тасаввурга ҳам эга эмас эканлар.

Сафарнинг биринчи куни бизларни шахсий машинасида Истамбулни сайр эттирган Арслон эртаси куни машина калитини қўшниси Акмалга берарканман: Бугун меҳмонларни сиз томоша қилдирасиз, афандим,— деди. Шунда бизлар ажабланиб: Ишонч қоғозингиз борми? ДАИ ходимлари тўхтатишмайдими,— деб сўраганимизда улар ҳайрон бўлишди. Чунки Туркияда давлат автомобиль назоратининг ўзи йўқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан полиция шуғулланаркан. Бизнинг ўша пайтдаги ҳолатимизни тасаввур қилган Арслон: Машина меники, кимга берсам ўзимнинг ишим,— деб айтди.

Бизлар иккинчи куни Истамбулда Босфор кўпригини томоша қилар эканмиз, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ноёб кўприкни жаҳоннинг мўжизаларидан бири десак муболаға қилмаган бўламиз. Осиё ва Оврўпа қитъаларини боғловчи ушбу кўприк 1973 йил 30 октябрда Туркия жумҳуриятининг 50 йиллик тўйи муносабати билан ишга туширилган. Унинг узунлиги 1 километрдан узунроқ (1074 метр), баландлиги эса 64 метр. Бу ҳашаматли иншоотни туркларнемислар, инглизлар ва японлар иштирокида бунёд қилишган. У ниҳоятда кўркам ва нафис ишланган.

Зеро, ҳозирги кунда Туркия жаҳоннинг энг юксак ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Унинг иқтисодий қудратини қисқача шундай ифодалаш мумкин. Жаҳонда ўз аҳолисини боқиб, фаровон яшаётган ва озиқ-овқат маҳсулотларини чет элларга сотаётган еттита мамлакат бўлса, улардан бири ана шу Туркиядир.

Бу мамлакат дунёнинг уч қитъасини бир-бирига туташтирган, кичик Осиё ярим оролида жойлашган ва уни Болқон ярим оролининг Жанубий-Шарқий қисмидан Босфор ва Дарданел бўғозлари ажратиб туради. Қадимий савдо ипак йўли Туркия худудидан ўтган. Туркия аҳолисининг 90 фоизга яқин қисмини турклар ташкил қилади. Шунингдек, у ерда курдлар, гуржилар, греклар, лазгинлар, арманилар, араблар ва бошқалар яшайди. Бугунги Туркияда 60 миллион аҳоли бор. Бутун дунёда эса ҳозирда 200 миллиондан кўпроқ турклар истиқомат қилади. Туркиянинг энг йирик шаҳарлари: Анқара, Истамбул ва Измирдир.

ХЎЖАЛИГИ. Туркия 80-йилларгача аграр мамлакат ҳисобланган. Қишлоқ хўжалиги асосан деҳқончиликдан иборат бўлиб, бўғдой, арпа, маккажўхори, сули экилади. Техника экинларидан пахта, тамаки, қанд лавлаги ва бошқалар етиштирилади. Боғдорчилик ҳамда узумчилик бош экспорт аҳамиятига эга. Чорвачилик яхши ривожланган, Тоғли районларда қорамоллар сероб, қўйчилик ва ангор эчкичилиги тараққий қилган, Саноатининг асосий тармоғи ўтмишда озиқ-овқат ва тўқимачиликдан иборат бўлган. Қазилма бойлиги: тошкўмир, мис, хром, темир, марганец рудалари мавжуд.

Бугунги Туркияда 80-йиллардан бошлаб бозор иқтисодиёти шаклланган. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти бутун жаҳонга машҳур бўлди. Унинг сабаблари: биринчидан, Туркия мустақил, озодлик, эркинлик ва демократия йўлидан борди; иккинчидан, улар кўплаб истеъдодли ишбилармонларни, айниқса, ёшларни хорижий мамлакатларда ўқишлари ва илм-ҳунар ўрганишларига кенг йўл очиб берди; учинчидан, турклар тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан бўлган алоқаларини ҳар томонлама кенгайтирдилар; тўртинчидан, улар хорижий мамлакатлардан, кўпинча ғарбдан янги замонавий техника ва технологиялар кириб келишига эришди; бешинчидан, Туркия чет эл сармоясини эркин равишда мамлакат ичига кириб келишини таъминлади. Бунинг натижасида улар кўплаб қўшма, катта-кичик турли замонавий корхоналар бунёд этилди ва ишсизларни иш билан таъминлашга эришилди. Бозор иқтисодиётини юксак даражада шакллантириб, жаҳон бозорига дадил кириб борди. Улар пиру-бадавлат, бой яшаяптилар — буни борганлар яхши биладилар.

Туркияда уч кун давомида олган таассуротларимиз ғоятда зўр бўлди. Сафардан қайтгач, Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда чет эл журналистлари билан учрашув чоғида «Биз Туркия йўлидан боришимиз керак» — деб айтган сўзлари беихтиёр хаёлимдан ўтди. Президентимизнинг бу фикри назаримда истиқболи порлоқ бўлган ғоялигига ишондим. Яқин йиллар ичида мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ҳам Туркия изидан бориб, ҳозирги иқтисодий инқирозга барҳам беради ва ривожланган қудратли мамлакатлар сафидан ўрин олади. Бунга ишончимиз комил.

Икромжон ИНОМОВ,
Халқлар Дўстлиги ордени Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни «Билим» жамиятининг раиси.

• Ҳаёт ёшлар нигоҳида

УЛУҒ МАҚСАД БИЛАН

Рукнимиз меҳмони — Равшан Алимов, 1965 йилда туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳозир мазкур куллиётнинг матбуот назарияси ва амалиёти кафедрасида ўқитувчи. У «Жилға» талаба-ёшлар нашрининг ташаббускори.

Талаба-ёшлар, уларнинг дарду ташвишлари, интилишларининг бевосита иштирокчиси бўлган бу мураббийнинг фикрлари сизни бефарқ қолдирмайди.

— Ҳеч кимга сир эмас жамиятимиз ҳаётидаги аҳл бовар қилмас ўзгаришлар ёшлар дунёқарашида, тафаккурида ўз аксини топмоқда. Ёшларимизнинг, уларнинг илғор қисми бўлган талабаларнинг аксари ҳозир кундалик ташвишлар билан ўралашиб яшашга мажбур бўлишмоқда. Асосий мақсади — тўкинчилик, шоҳона ҳаёт бўлганлар ҳам оз эмас. Мустақиллик, миллий тараққиёт ҳақида ўйлар экансан, беихтиёр куюнасан киши. Ахир, ёшлар келажагимиз. Халқимизнинг елкасига офтоб тегадиган кунларнинг тезроқ келиши шу ёшларга боғлиқ. Бироқ кишига таскин берадиган ҳолатлар афсуски жуда кам. Бозор иқтисодининг «Ўзинг учун ўл етим» деган шиори балки тўғридир, бироқ бунинг оқибати қандай бўларкин? Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Фикрларингиз ўринли, албатта. «Қайта қуриш» деб номланган жараён бошлангандан сўнг, ёшларимиз дунёқарашида, тафаккурида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бундан ўн йил, борингки, беш йил аввалги талабани, бугунги куннинг толиби илмлари билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳар жиҳатдан...

Кўплар бунинг сабабини иқтисодий муносабатларнинг чигаллашишида, мураккаблашишида кўрмоқдалар. Майли шундай ҳам бўла қолсин. Авваллари ҳар қандай талаба ҳам стипендия олавермас эди. Фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқийдиганларгина бундай имтиёзга эга бўлишар эди, шунда ҳам 40 сўм, нари борса 50 сўм олишарди. Бироқ ўша вақтда талабанинг қорни оч, усти юпун бўлиб юрганини кўрмаганман. Яъни уларнинг асосий мақсади амаллаб кун кечириш эмас, билим олиш эди. Афсуски, шароит яратилгани билан ёшларга ҳақиқий зарур билимлар берилмас эди. Ўқув жараёни тўлиқ мафкуралаштирилганидан сўнг бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди-да. Ҳозир биз буни англаб етдик, бироқ фақат англашнинг ўзи камлик қилар экан. Ёшларга замонавий илм-фан ютуқлари ва миллий қадриятга таянган билимларни бериш зарурлигини ҳозир ҳамма эътироф этаяпти-ю, аммо амалий ишдан дарак йўқ. Талабалар билим олиш учун эмас, кун кечириш учун курашишмоқда, яъни кундалик ҳаёт ташвишлари билан ўралашиб яшашмоқда. Тўғриси шунга мажбур бўлишмоқда.

Яқинда журналистика куллиёти толибларининг ётоқхонасида бўлиб, улар билан суҳбатлашдик. Уларнинг кундалик турмушини кўриб, очиғи, ачинади киши. Оладиган стипендиялари 150 сўм бўлишига қарамай, вақти келса тўйиб овқатланиш имкониятига ҳам эга эмаслар. Чунки талабалар шаҳарчаси етарлича ошхоналар билан таъминланмаган. Борларида ҳам тайёрланаётган таомларнинг сифати, ношукурчилик бўлса ҳам айтиб ўтиш керак, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида. Қани айтингчи, киши бошига ойига бир марта берилаётган 250 грамм шакар, 1 шиша ёғ ва шунга ўхшаш кам миқдордаги майда-чуйдаларга кун кечириш мумкинми? Бозордаги нарх-наво эса маълум. Талабаларнинг маданий хордиқ чиқаришлари тўғрисида гапирмасак ҳам бўлаверади. Чунки кўпчилиги мусофирчиликда таҳсил олаётган толибларнинг оддий бир китобни ҳам сотиб олишга қурблари, қурблари етса имконлари йўқ.

Юқорида «Ўзинг учун ўл етим» деган гапни эслатдингиз. Биласизми, агар биз бу тушунчани талаба ёшлар оммасига тўлалигича жорий қилишга йўл қўйиб берсак, менимча, жуда катта хатога йўл қўямиз.

Биринчиси, талаба бўлиб ҳисобланавериш мумкин, лекин «бир бурда нон топиш» учун ё мардикор бозорда ва ё яна қайдадир меҳнат қилиши керак. Мустақил шуғулланиш ёки қўшимча машғулотлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Иккинчиси, кун кўриш учун ўқишни ташлаш ёки сиртқига ўтказиш мажбурияти. Бу икки йўл ҳам мустақил жумҳуриятимиз келажагига хизмат қилмаслиги аниқ. Жумҳуриятимиз ҳукумати ҳар қандай шароитда ҳам талаба-ёшларга алоҳида эътибор билан қарашлари лозим деб ҳисоблайман. Чунки бу давр талаби. Акс ҳолда халқимиз кўп нарсани бой бериб қўйиши мумкин. Агар маблағ етишмаса, «талабага ёрдам» жамғармасини тузишни таклиф қиламан.

— Равшан, сиз бевосита толибликдан ўқитувчилик фаолиятига ўтган кишисиз. Айтинг-чи, ўтган давр ичида ўқув жараёнида нималар ўзгарган? Яна қандай ўзгаришлар қилиш керак?

— Ҳамма соҳаларда бўлгани каби ўқув жараёнида ҳам ўзгаришлар бўлмоқда, албатта. Улар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилмоқда, бироқ...

Келинг, биргина тарих фанини олиб кўрайлик. Бир вақтлар «ҳақиқат» деб уқтирилган «ҳақиқатларнинг» кўпчилиги бугун ёлғон эканлиги аён бўлиб қолди. Нафақат матбуот ва адабиётга, балки кишилар ҳаёт мазмунига, қишлоқ хўжалиги-ю, космосгача сингиб борган коммунистик ғоялар бугунги кунда четга сурилиб қолди. Авлодлар учун буюклик сиймоси бўлиб келган Ленининнинг номи ва иши ҳам тарихий холисликка асосланиб таҳлил қилиш керак. Ҳамма соҳаларда бўлгани каби ўқув жараёнида ҳам ўзгаришлар бўлмоқда, албатта. Улар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилмоқда, бироқ...

Келинг, биргина тарих фанини олиб кўрайлик. Бир вақтлар «ҳақиқат» деб уқтирилган «ҳақиқатларнинг» кўпчилиги бугун ёлғон эканлиги аён бўлиб қолди. Нафақат матбуот ва адабиётга, балки кишилар ҳаёт мазмунига, қишлоқ хўжалиги-ю, космосгача сингиб борган коммунистик ғоялар бугунги кунда четга сурилиб қолди. Авлодлар учун буюклик сиймоси бўлиб келган Ленининнинг номи ва иши ҳам тарихий холисликка асосланиб ташаббуснинг диққатга сазовор томони шунда эдики, куллиёт ўқув жараёнининг асосий қисми аудиторияларда эмас, рўзнома ва ойномалар, ойнаи жаҳон ҳамда овознигор қошида ташкил этилажак «Маҳорат устахоналари»да бўлмоғи зарур эди. Улар ўқув жараёнини икки босқичга бўлишни таклиф қилишган эди. Биринчи босқич уч йил давом этади, сўнгра талабалар бир йилга ишлаб чиқариш амалиёти учун муҳарририятларга йўлланма оладилар. Иккинчи босқич (яъни бешинчи курс) бир йил давом этади ва бу ерга амалиёт кунлари давомида ҳақиқатан ҳам ўзининг журналистикага қобилиятли эканлигини намоён қилган ижодкор йигит-қизлар қабул қилинади. Қолганларга эса бакалавр унвони берилиб, улар ишлаб чиқаришга йўлланма оладилар. Гарчи бу таклифлар тўлиқ амалга ошмаган бўлса-да, долзарблиги билан ҳали ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Қисман ўзгаришлар билан ўқув савиясини яхшилаб бўлмайди. Мен туб ислоҳотлар тарафдориман. Ана шундагина қилинган ва қилиниши лозим бўлган ўзгаришлар ҳақида батафсил гапирсак арзийди, деб ўйлайман.

— Ёшлар орасида кимга эргашишни, нима қилишни билмай юрганлар, афсуски, кўпчилик. Шу сабабли ботбот ўтмишимизга, тарихимизга мурожаат қилинмоқда. Яқин ўтмишимиздаги кўпгина миллий ҳаракатларни замонга мувофиқлаштириб ҳаракат қўлланмаси қилиб олишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу сизнингча, ижобий ҳолми?

— Агар танланадиган ҳаракатнинг моҳияти англаб етилса, бунинг ёмон жиҳати йўқ, менимча. Масалан, жадидлар ҳаракатини олиб кўрайлик. Бу ҳаракатни ҳам бизга қоралаб кўрсатишга, жадидларни эса миллатчи «халқ душманлари» деб уқтиришга ҳаракат қилиб келдилар. Ваҳоланки, ана ўша жадидлар ҳаракатининг намоёндалари халқимизнинг маърифатли бўлишлари учун курашган миллатпарвар кишилардир. Асосий мақсад— миллат тараққиёти уларнинг назарида фақат маърифатда бўлган. Бу ҳаракатни жиддий тадқиқ қилиб, ҳақиқатан ҳам улар тажрибасининг илғор томонларини ҳаётга тадбиқ этсак, ўйлайманки фақат ютамиз.

Халқимизда янги бир авлод шаклланаяпти, балки улар ҳам ўзларини жадидлар деб аташар, балким бошқа номни муносиб кўришар. Гап бунда эмас, муҳими халқ маърифати учун курашиш лозим. Шундагина бу иш хайрли иш бўлади. Энг асосийси эса ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, кўзланган улуғ мақсадлар сари илдам бормоғимиз лозим.

Суҳбатни Баҳром МИРЗАҚОБИЛ ва Баҳриддин АБДУСАИДлар уюштиришди.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БМТГА АЪЗО БЎЛИШ УЧУН

ҚОЗОҒИСТОН Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинг тўғрисида баёнотнома юборди. Президент Н. Назарбоевнинг БМТ Бош котиби номига йўллаган мактубида Қозоғистон Республикаси БМТ Уставидаги ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва уларни бажаришга тантанали ваъда бериши уқтириб ўтилган.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ЕР ИСЛОҲОТИ

ПРЕЗИДЕНТ А. Акаев фармон чиқарди. Ана шу фармонга мувофиқ зарар келтирадиган ва жуда кам фойда оладиган (15 фоизгача) колхозлар ва совхозлар 1992 йил 1 февралигача тугатилади. Улардаги ерлар фермерларга бўлиб бериш учун ер жамғармасига ўтказилади. 15—25 фоиз фойда олувчи хўжаликлар кўнгилли кооперативларга айлантирилади. Фермерлик фаолиятини истаганларнинг ҳаммаси колхоз ёки совхозлар аъзолари розилигини сўраб ўтирмай фермер бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари 1 февралга қадар қаровсиз ва ташландиқ ерлар ҳисобига камида 1,5 миллион гектар майдонни ташкил этадиган ер жамғармаси тузилади. Ана шу жамғармадан фермер бўлишга қарор қилган кишиларнинг ҳаммаси ва шаҳарликлар ер олиши мумкин.

ХОРИЖЛИК ГЕОЛОГЛАР ЁРДАМИДА

ТОЖИКИСТОН ерости бойликларини тадқиқ қилиш билан Англия фирмаси иштирокидаги «Тожик девелопмент эйженси» қўшма корхонаси шуғулланмоқчи. Англиялик геологлар республиканинг кам ўрганилган тоғлиқ ҳудудларида кидирув ишлари олиб борадилар, шунингдек ҳозир очилган кумуш, руҳ, қўрғошин, висмут, симоб ва бошқа бир қатор нодир конлар заҳираларини аниқлаш ишларини ниҳоясига етказадилар.

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИ УЮШМАСИ

РСФСР, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон жамғарма банклари вакиллари уюшма таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Уюшма аъзолари сони кўпаяди: собиқ СССРнинг бошқа республикалари жамғарма банклари бу кўнгилли ташкилотга киришга қарши қатъий эътироз билдирганлари йўқ.

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САФАРИ

РОССИЯ Президенти Борис Ельцин бугун республиканинг турли минтақалари бўйлаб ўз сафарини бошлайди. Дастлаб у Саратов, Ульяновск ва Нижний Новгородга боради, 14—15 январда эса Брянск ва Санкт-Петербургга ташриф буюради. Бу сафарларнинг асосий мақсади нархлар эркин қўйиб юборилганлиги ва хусусийлаштириш дастури амалга оширила бошланганлиги шароитида жойлардаги ҳозирги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан шахсан танишишдан иборатдир.

ЧЕЧЕН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМАТЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

ЧЕЧЕН Республикаси жанговар автоматлар тайёрлашга киришди. «Северний Кавказ» ҳафталигининг хабар беришича, «Бўри» деб ном олган бу автоматлар Исроилда чиқариладиган «Узи» жанговар қуроллари асосида яратилган. Лекин техник жиҳатлари бўйича ундан устунлик қилади. Биринчи рақамли автомат Президент Жохар Дудаевга берилди.

АРМАНИСТОН ЕНИЛҒИ ОЛА БОШЛАДИ

АРМАНИСТОН яна қувури орқали ёнилғи ола бошлади. Бу қувурни Озарбайжон томони ўтган йил 4 ноябрда ёпиб қўйган эди. Қарийб икки ойлик танаффусдан сўнг республикага ўтган чоршанба куни 1 миллион куб метрдан ортиқ газ келди. Темирйўл орқали мазут ва бошқа суюқ ёнилғи ҳам келтирилди. Арманистон ҳукумати республикага ёнилғи етказиб беришни кўпайтириш чораларини кўрмоқда.

(МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

• Мутахассис билан мулоқот

ЕР «ХАСТА» БЎЛСА...

ШИРИН-ШАКАР мевалари билан жаҳонга довруг таратган, мева-сабзавот, полиз маҳсулотларидан юқори ҳосил оладиган Ўзбекистонимиз бозорларидаги нарх-навонинг Сибирь бозорларидан фарқи қолмади. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Биз ана шу сабаблардан бири, яъни ҳосилдорлик ва ерларнинг гидромелиоратив ҳолати ўртасидаги ўзаро боғланиш ҳақида Тошкент вилоят гидромелиоратив экспедициясининг бошлиғи Абдураҳмон САТТОРОВ билан суҳбатлашдик.

— Абдураҳмон Қаҳҳорович, аввало муштарийларни экспедициянгиз жамоасининг вазифалари билан таништирсангиз. Кўпчилик бундан бехабар бўлиши мумкин.

— Биз вилоят худудидаги районлараро коллекторлар-дренаж тармоқларини ишлатиш, шу борадаги янги қурилишларни техникавий назорат қилиш билан шуғулланамиз. Лойиҳалар тузишда амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва талаблар киритамиз. Ерости сувларининг сатҳини, шўрлик даражасини аниқлаш, ерларнинг мелиоратив тавсифномасини бериш, ерости сувларидан фойдаланиш ва ер тавсифномасига қараб, лозим бўлса, экилажак экинлар ҳақида тавсияномалар бериш кабилар ҳам бизнинг зиммамизда.

— Ерости сувларининг деҳқончиликка таъсири қандай?

— Республикамизда, хусусан, вилоятимиз худудида ҳам хоҳ пахта, хоҳ сабзавот етиштириш, хоҳ боғдорчилик бўлсин уларни суғормасдан ҳосил олиб бўлмайди. Суғориш эса ерости сувлари сатҳининг кўтарилиши ёки пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам август-сентябрь ойларида ерости сувларининг энг юқори кўтарилган, қишда эса энг пастга тушган даври ҳисобланади. Гап шундаки, деҳқонларимиз экиларни шундоқ суғориб қўя қолишмайди. Сув билан бирга турли минерал ўғитлар берилади. Уларнинг бир қисми оқава сувлар билан чиқиб кетса, бошқа бир қисми ерости сувларига қўшилиб кетади. Натижада шу сувларнинг минерал ўғитлар, хусусан бизда кўп ишлатиладиган селитра таркибидаги моддалар билан бойиши, сувнинг шўрланиши, фойдаланиш учун яроқсиз, ҳатто ўта зарарли бўлиб қоладиган ҳоллари кўп учрайди. Экинларни суғориш учун бир литрида 3 граммгача тузи бор сувлар тавсия этилади. Дарёларнинг сувларида эса кўпи билан 1,4 грамм туз бўлиши мумкин.

Яқинда Назарбек яқинидаги Аччиқсой коллекторидаги сув таркиби текширилганида ундаги туз миқдори 7,5 грамм эканлиги маълум бўлди. Бундай сувни экин ва дарахтларни суғориш уёқда турсин, ҳатто қуриниш ишларида ҳам ишлатиш мумкин эмас, Остида ана шундай заҳарли тузлари бор ерлар «касал» ерлар ҳисобланади. Ҳар қанча парвариш қилманг, эккан экинингиз ривожланмайди, дарахтларингизни илдизи сувга етиб бориши билан қурий бошлайди. Бундай вазиятда бирдан-бир чора-ерости сувларидан қутилиш ёки унинг сатҳини сунъий равишда пасайтириб туришдир. Коллекторлар-дренаж тармоқлари, зовурлар айнан шу вазифани бажаришга хизмат қилади. Бугунги кунда вилоятимиздаги коллектор-дренаж тармоқлари ва зовурларнинг умумий узунлиги 8100 километрни ташкил этади. Буларнинг маълум қисми хўжаликларнинг ички зовурлари, бошқа бир қисми эса вилоят ноҳиялари сув хўжалиги идоралари ҳисобидаги зовурлар ва коллекторлардир.

— Вилоят худудидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларни режалаштиришда бевосита хўжаликлар билан алоқангиз қандай?

— Кейинги йилларда ерости сувларининг ҳосилдорликка таъсир масаласига қизиқиш кучайди. 1990 йили Сув хўжалиги вазирлиги вилоят худудидаги кам ҳосил олаётган хўжаликларнинг ички зовурларини тозалаш учун 700 минг сўм пул ажратган эди. 1991 йили эса бу рақам 800 минг сўмни ташкил этди. Шундан биргина Янгийўл ноҳиясидаги Навоий, Тимирязев, Энгельс номли «Янгиобод» ва «Халқобод» шўро хўжаликларида 242 минг сўмлик иш олиб борилди. Вилоятнинг Бўка, Бекобод, Чиноз ноҳияларидаги айрим хўжаликларда ҳам бундай тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишларимизнинг самараси ернинг касалланганлик даражасига, ерости сувларининг сув оралиғида жойлашгани учун ҳосилдорлик паст эди. 1990 йили зовурлар тозаланди. Бу ишларга 40 минг сўм пул ажратилди. Натижада пахта тайёрлаш режаси 130 фоиз қилиб адо этилди. Бошқа хил экинлардан ҳам юқори ҳосил олинди. Хўжалик раҳбарлари — ҳар йили «дори» сотиб олиш учун қанчадан-қанча маблағ сарфлардик, аслида маблағларни ерни «дорилаш» учун эмас, уни даволаш — мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфласак бўлар экан» дейишмоқда. Вилоятимизда бундай қарорга келган хўжаликлар раҳбарлари кўп. Улар энди юқоридан ҳеч қандай кўрсатма ва буйруқларни кутмай бевосита бизга турли таклиф, мулоҳаза ва илтимослар билан мурожаат этмоқдалар.

— Ҳайдалган ер остидаги сувларнинг бирон сув ҳавзасига бориб қуйилиши атроф-муҳитга, кишилар соғлиғига таъсир қилмайдими?

— Аввало ҳамма ерости сувлари ҳам бирдек зарарли эмас. Тўғридан-тўғри экин сугоришга яроқликлари ҳам бор. Шўр сувларга келсак, тўғри, бизда уни тозалайдиган иншоотлар йўқ. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ, чунки ер остидан чиқаётган нисбатан оз миқдордаги шўр сувлар каналлар, дарё ва бошқа сув ҳавзаларининг чучук сувига қўшилганида аралашиб, сувнинг умумий шўрлик даражаси нормадан ошиб кетмайди. Зовурларни қазиганда чиқадиган лой ва тупроқ ҳам ер остидаги шўр сувлар ҳисобидан сўнг улардан ҳатто табиий ўғит сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

— Абдураҳмон ака, энди анъанавий савол: муаммо ва режаларингиз?

— Жойлардаги хўжалик раҳбарлари ва аҳолига кўп нарса боғлиқ. Хўжаликларнинг ички зовурларини ўз вақтида тозаланмайдиган, биз билан маслаҳатлашмай ана шу зовурларга қувур кўмиб қўлбола кўприклар қурилаётган ёки очиқдан-очиқ зовурларни кўмиб ташлаш ҳоллари учраб туради. Ҳозир ихтиёримизда ҳар бири 10 метр ва ундан чуқурроқ бўлган, 100—150 гектар майдондаги ерости сувларини кузатиб туриш имконини берувчи 1026 та кузатув қудуқларимиз бор. Ҳозирнинг ўзида яна 1,5—2 минг шундай қудуқларга эҳтиёж бўлатуриб, янги ерларни ўзлаштириш, текислаш ёки шу каби ишларни олиб бориш жараёнида бор қудуқларнинг ҳам металл қувурлари синдириб ташланаётганлиги ёки кўмилиб кетаётгани жуда ачинарли ҳол. Каналлар ва зовурларнинг ҳар иккала томонидан 10 метр кенгликда жой қолдирилади. Бу ерга экин, дарахт экиш, унда қазиш ва қурилиш ишлари олиб бориш таъқиқланади. Жойларда эса одамларнинг масъулиятсизлиги сабабли бу қоида ҳам бузилиб туради.

Биз, албатта, тушунтириш ишлари олиб борамиз, шундай ҳоллар ҳам бўладики, бизнинг кучимиз етмай қолади. Масалан, Бекобод районига чегарадош қўшни Тожикистонда ер ўзлаштириш жадаллашиб кетди. Ҳатто тепаликлар ва тоғ ёнбағирларига ҳам насослар билан сув чиқарилмоқда. Натижада Тожикистонга чегарадош Ленин ва «Далварзин» номли хўжаликларда ерости сувларининг сатҳи кўтарилиб бормоқда.

Яна бир муаммо — ҳозир халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида бўлганидек, бизда ҳам таъминот масаласи ўткир бўлиб турипти. Техника, қурилиш материаллари ва керакли қувурлар етишмаслиги сабабли қурилаётган объектлар ўз вақтида ишга тушмаяпти. Ҳар йилнинг охирига келиб кўчма механизациялашган колонналарнинг келгуси йил иш режалари тузилар, улар керакли лойиҳа-смета ҳужжатлари, маблағ ва материаллар билан таъминланар эди. Ҳозир эса бу борада жуда кўп ноаниқликлар бор. Нима бўлганида ҳам лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлайвериш керак. Жамоа ва шўро хўжаликларида шундай ҳужжатлар бўлса, улар имконини топиб қурилиш ишларини ўз маблағлари билан битказиб олишлари мумкин.

Республикамиз Президентининг Фармонига биноан аҳолига кўплаб ер ва дала ҳовли учун ер участкалари берилмоқда. Бу қувончли воқеа, албатта. Лекин баъзи ҳолларда дала ҳовлилари учун экин экишга яроқсиз ерлар ажратилаётгани ҳам сир эмас. У жойларда ернинг мелиоратив ҳолатининг қай даражада эканлигини, ерости сувларининг сатҳи ва таркибини билмай қурилиш ишлари олиб бораётган, билиб-билмай шўр сув билан дарахтларни, экинларини суғориб қанчадан-қанча меҳнат ва маблағларини беҳудага сарфлаётган ва ернинг ҳолатини яна ҳам ночорлаштиришаётганини кўриб ачиниб кетасан, киши. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар олиб бораётган ишларимиз қаторига ернинг мелиоратив ҳолатига қараб аҳолига якка тартибда тавсиялар бериш, ерости сувлари таркибини аниқлаш, қудуқлар парма-лаб сув чиқариш каби хизматларни бажариб бериш ишларини режалаштирмоқдамиз. Мақсадимиз — одамларнинг маблағи ва меҳнатлари зое кетмасин. Бундан ҳам муҳими — бутун тирик мавжудотни боқувчи она заминга инсон меҳри ва масъулияти зарур.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

«Саховат» ойномаси — меҳмони

ЯХШИЛИК ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ
Саховат

ҲАР БИР ОИЛАГА МАСЛАҲАТЧИ

Давлат нафақаси ҳақидаги 1956 йилги Қонун жорий қилиниши муносабати билан ташкил топган жарида олдига фахрийлар, ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган кўп минг кишилик мутахассисларга амалий ёрдам бериш, нафақалар бўйича қонун-қоидаларни кенг тарғиб қилиш вазифаси қўйилган эди. Таҳририят мана 34 йилдирки, жариданинг ҳар бир сонини муштарийларга зарур дастуриламал сифатида хизмат қилишига эришиш учун ижодий куч-ғайрат сарфлаб келмоқда.

Муштарийларимиз 1992 йилнинг бошида бир йилдан бери «Саховат» (илгариги «Ўзбекистон социал таъминоти») номи билан чиқа бошлаган жариданинг 200-сони билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳукуматнинг меҳнаткашлар ижтимоий таъминотига ажратаётган маблағларининг деярли 90 фоизи нафақаларга сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам биз жойларда меҳнаткашларга нафақа тайинлашга зарур ҳужжатлар тайёрлаш, уларни керакли идораларга тақдим этиш, иш стажи ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш ишларини намунали амалга ошираётган бўлимлар, одамлар дарди, ташвиши билан яшаётган ходимлар ҳақида ёзишга, уларнинг тажрибаларини тарғиб қилишга кенг ўрин бермоқдамиз.

Кексалар ёшлик йилларини, куч-қувватини эл-юрт фаравонлигига бағишлаб, эндиликда меҳнатга ярамай, бировларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган инсонлардир. Уларни моддий томондангина эмас, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш зарур. Таҳририятимиз бу масалага алоҳида эътибор бериб, ўз саҳифаларида «Инсон-ижтимоий сиёсат марказида», «Бозор иқтисодиёти ва пенсионер», «Эътиқодли ва имонли бўлайлик», «Меҳр-оқибат кўрсатиб» каби ўндан ортиқ мақолалар ёритди.

Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонлари билан Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари 1991 йилнинг 1 июлидан турар-жой, учун ҳақ тўлашдан озод этилдилар, уларни уй-жой билан таъминлаш, бепул коммунал хизмати кўрсатиш, давлат уйларини шахсий мулк сифатида расмийлаштириш каби бир қатор тадбирлар белгиланди.

Президентнинг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда бошқалар ёрдамига мухтож ёлғиз пенсионерлар уй ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинди, умумий фойдаланадиган шаҳар транспортида бепул юриш белгиланди, шифокорлар қоғози билан дорилар бепул бериладиган бўлди, маълум миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини текин бериш жорий этилди.

Аҳолининг иқтисодий қийин аҳволда қолган табақаларини ҳимоя қилишга жумҳурият Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1991 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги фармон ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Шу фармонга кўра қарилик пенсиясининг энг кам миқдори товон пули билан 350 сўмга кўтарилди. Бу мақсадлар учун республика бўйича, бундан икки йил илгари 1,7 миллиард сўм сарфланган бўлса, эндиликда бу ҳаражатлар деярли 8—9 миллиард сўмни ташкил этади.

Жаридамиз саҳифаларида бу масалалар ўзининг ёрқин ифодасини топиб бормоқда. Шунингдек, меҳнаткашларга ногиронлик гуруҳини, машина учун йўлланмани берадиган тиббий-меҳнат экспертиза комиссияларининг, интернат уйлари, пансионатлар ва «Олтиариқ», «Товоқсой» санаторийлари ходимларининг, «Протез» саноат бирлашмаси жамоаларининг, пенсионерларга ички пенсия тўлаётган жамоа ва давлат хўжаликларининг фаолиятлари «Ижтимоий таъминот бўлимларида», «Тиббий-меҳнат экспертизаси», «Меҳнат ва маниший хизмат», «Саховатли ишлар, саховатли кишилар», «Кексалар ороми» рукнлари остида мунтазам ёритиб борилмоқда.

Жарида саҳифаларида меҳнаткашлар саволларига тайёрланган жавоблар «Маслаҳатимиз», шикоятлар натижасида ижобий ҳал қилинган мактублар «Жарида ёрдам қилди», одамларга дардкаш, меҳрибон ходимларимиз ҳақидаги мақолалар «Ҳамкасбларимиз» рукнлари остида мунтазам бериб борилмоқда.

Таҳририятнинг самарали ишлашида фарғоналик Ҳ. Орипов, амударёлик Х. Отамуродов, қизилтепалик С. Эгамов, хоразмлик О. Сотлиқов, термезлик Х. Тоштемиров, бухоролик А. Аҳадов, чустлик А. Асроров сингари ўнлаб жамоатчи мухбирлар билан бир қаторда вазирлик тизимида хизмат қилаётган ишбилармон мутахассислар, тадбиркор йўриқчилар катта ёрдам беришмоқда. Жарида саҳифаларида пенсия қонунларининг тўғри талқин қилинишида юридик фанлари номзоди, жариданинг ҳайъат аъзоларидан Сафура Мирзааҳмедова, шунингдек, Санобар Хўжаева, Раҳматулла Холмуродов, Нурбой Тиллаевларнинг ҳиссаси катта.

Жариданинг мазмунли, ўқимишли чиқишида масъул котиб Суҳроб Йўлдошевнинг, бўлим муҳаррири Эшонқул Ҳайдаровнинг, таҳририятда узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Зулфия Умарованинг, техник муҳаррир Комилахон Назарматованинг хизматлари беқиёс.

Ҳаридамизнинг кенг муштарийларга танилишида вилоят, шаҳар ва ноҳия ижтимоий таъминот бўлимлари мудирлари, етакчи мутахассисларининг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Натижада муштарийлар сони йилдан-йилга ошиб, олинаётган фойдалар ҳам кўпайиб борди.

Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, 1992 йил учун бўлган обуна салкам 80 мингга етди, холос. Бу, албатта, бозор иқтисодига ўтиш, нархнавонинг кўтарилиб кетиши таъсиридир.

Маълумки, оилада фарзанд туғилишидан тортиб 18 ёшга етгунга қадар оиларга турли нафақалар тўланади, пенсионерлар, уруш, меҳнат ва болаликдан ногиронлар пенсия ва нафақалар билан таъминланадилар, нархнавонинг ошиши муносабати билан ишчи ва хизматчиларга, студентларга товон пули тўланмоқда, бир жумла билан айтганда, республикамизда пенсия ва нафақадан, товон пулидан фойдаланмайдиган бирорта оилани топиш қийин. Пенсия ва нафақа ҳақидаги қонун ва қоидалар анча мураккаб. Шуни инобатга олиб жаридамиз жамоаси шу мураккаб қоидаларни содда қилиб тушунтириб беришга бутун имкониятини сарфламоқда. Агар жаридамизга обуна бўлсангиз, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни мукаммал билиб олишингиз ва улардан оқилона фойдаланиш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

Абдужаббор МАННОПОВ,
жариданинг бош муҳаррири.

СУРАТДА: жарида таҳрир ҳайъати аъзоларидан (чапдан ўнгга): бош муҳаррир А. Маннопов, вазирлик назоратчи-тафтиш бошқармаси бошлиғи Н. Тиллаев, вазир ўринбосари С. Мирзааҳмедова, пенсия ва нафақа бошқармаси етакчи мутахассиси Р. Холмуродов ва жаридаги масъул котиби С. Йўлдошевлар янги сон режасини муҳокама қилишмоқда.

ФАЗЛИТДИН Абдурасул Аъзам ўғли суратлари.

● *Сўраган эдингиз*

ТЎЛИҚСИЗ СТАЖ БИЛАН ҲАМ ПЕНСИЯ ОЛАСИЗ

Амалдаги қонунларимизга биноан маълум миқдорда меҳнат стажига эга бўлмаган ишчи ва хизматчиларга тўлиқсиз стаж билан ҳам пенсия тайинлаш кўзда тутилган. Бунинг учун улар (эркаклар 60, аёллар 55 ёшда) ишлаб турган бўлишлари, иш стажлари камида беш йилни, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишларидан олдин камида 3 йилни ташкил этиши керак. Шу уч йил ичида ишдаги танаффус 6 ойдан ошмаслиги, ишдан бўшамасдан туриб ёки ишдан бўшагандан сўнг бир ой ичида таъминот бўлимига ариза беришлари лозим.

Янги пенсия қонунига биноан 1992 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли меҳнат стажига эга бўлмаган барча фуқароларга ҳақиқий мавжуд стажига мутаносиб равишда, аммо ижтимоий пенсиясидан кам бўлмаган миқдорда тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинлашда 1992 йил, 1 январга қадар кўзда тутилган барча чегараланиш ва шартлар бекор қилинади.

Ҳатто бир неча кун давом этган меҳнат стажига эга бўлса ҳам нафақа тайинланади.

Тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинлашда олий ва ўрта махсус ўқув юртида ўқиш, 1-гуруҳ ногирони, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, 80 ёшга етган қариялар, ишламайдиган оналарнинг болаларига (ҳар бир бола 3 ёшга етгунча, кўпи билан 6 йил давомида) қараб, парваришлаган даврлар меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Аммо ишламайдиган онанинг фақат болаларига қараб турган даври учун тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинлаш мумкин эмас.

Масалан, жамоа хўжалиги аъзоси Фотимахон Суярова 56 ёшда. 3 нафар боласи бор. Турмушга чиққунга қадар 1 йилу 2 ойлик меҳнат стажига эга бўлган, шундан кейин турли сабабларга кўра ишламаган. У 1992 йил, 1 январидан тўлиқсиз стаж билан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. (Жами 7 йилу 2 ой. 1 йил 6 ой+6 йил 2 боласи учун).

Айтайлик, яна бир она ҳеч қаерда ишламаган. Турмуш ўртоғи 1909 йилда туғилган, унга қараб турган. У ҳам тўлиқсиз пенсия олиш ҳуқуқига эга. Чунки турмуш ўртоғи 1989 йилда 80 ёшга тўлган. Демак, 80 ёшга етган қарияга қараб турган 2 йили меҳнат стажига киради, шу 2 йиллик стаж билан пенсияга чиқади.

Ёки онанинг меҳнат стажи йўқ, 2 нафар уй-жойли фарзанди бор. Турмуш ўртоғига 1990 йил 1 июлдан умумий касаллик бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Демак, бу она ҳам пенсия олиш ҳуқуқига эга. Чунки 1-гуруҳ ногиронига қараб турган даври стаж ҳисобига ўтади, умумий стажи 7 йилу 6 ойдан иборат бўлади. (1 йил 6 ой+6 йил 2 боласи учун).

Она 57 ёшда, ҳеч қаерда ишламаган, 4 нафар вояга етган фарзанди бор. У янги қонунга биноан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, болалар учун олинадиган 6 йиллик стаж бошқа ҳақиқий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблангандагина қонуний кучга эга бўлади.

Янги Қонундаги бундай тартиб биринчидан, тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинлашда адолатсизликка чек қўйган бўлса, иккинчидан, бозор иқтисодиёти даврида қария ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилади.

Р. ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлиги мутахассиси.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Агар она ишламаса, болалар учун товон қаердан тўланади?

— Бундай ҳолларда компенсация бола отасининг иш жойидан тўланади. Агар ота-онанинг ҳар иккиси ишламаса, яшаш жойидаги ижтимоий таъминот идоралари томонидан тўланади.

— Боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия олаётган болага-чи?

— Боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдорига ҳар бир бола учун 65 сўмдан товон қўшиб тўланади. Бундан ташқари болаларга ларбоп кийим-кечакларнинг нархи ошганлиги учун ҳам товон тўланади.

— Ҳомиладорлик ва туққандан сўнгги даврда аёлга товон тўланадими?

— Унга касаллик варақасига ҳақ тўлашда ишлаётган аёллар билан тенг миқдорда товон қўшиб тўланади. Бола 1—1,5 ёшга етгунча онанинг иш жойидан 60 сўмлик товон берилаверади.

— Янги миқдордаги нафақани ким тайинлайди ва товонларни ким тўлайди?

— Болаларга нафақа тайинлаш тартиби ўзгармади, чакана нархлар кўтарилганлиги сабабли унинг миқдори ҳам оширилди. Янги белгиланган товонлар онанинг ўқиш ёки иш жойидан, она ишламаса отанинг иш (ўқиш) жойидан, агар ота-она ишламаса ижтимоий таъминот идоралари томонидан тўланади.

— Кооперативларда ишлаётган оналарга болалари учун товон бериладими?

— Ҳа, кооперативларда ишлаётган оналарга болалари учун кооперативлар томонидан товон болалар кийимлари нархи ошганлиги учун бериладиган товон билан бирга қўшиб тўланади.

ТОВОНЛАР ТЎҒРИСИДА

МУРУВВАТ — ОДАМЛАРГА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ ЎРИНБОСАРИ В. И. АРУТУНЯН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Вилоятда 278 мингдан зиёдроқ киши нафақа олади. Шу йилнинг ўтган ярим йилида уларга 200 миллион сўм маблағ сарфланди, шу жумладан, янги қонунлар бўйича 9412 кишининг нафақаси кўпайтирилди. Ўтган йили шу мақсадлар учун вилоят бюджети ҳисобидан 4 миллион сўм харажат қилинди.

Президент Фармонларига биноан вилоятдаги деярли барча жамоа ва давлат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар пенсионерларга ғамхўрлик қилишмоқда. Бугунги кунда 101 та жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатган 4005 нафар фахрийга ўз ҳисобидан қўшимча нафақалар тўламоқда.

Ўтган йилнинг май ойида вилоят ижроия қўмитаси йиғилишида Олмалиқдаги пиво-алкоголсиз ичимликлар заводи билан Тошкент районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларнинг пенсия ва нафақаларига қўшимчалар қўшиб бериш тўғрисидаги тажрибаси маъқулланган эди. Бу тажрибани Ғалабадаги 9 та жамоа хўжаликлари ҳам қўлладилар. Районда пенсионерларнинг чорва молларига емхашак, оила аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда, тўй-маросимларини ўтказишга ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар йили ана шу мақсадлар учун 117 минг 600 сўм сарфланмоқда. Ленин номли жамоа хўжалиги кам таъминланган оилаларга 7 тонна ғалла, 12 кишига 600 кило гуруч ажратди, ўз ҳисобидан 500 нафар пенсионерга 700 тонна ғалла тарқатди, 98 кишига 52 тонна атрофида уруғлик ва чорва моллари берди. «Ленинград» жамоа хўжалиги раҳбарлари пенсионерларни даволанишлари учун бепул йўлланмалар билан таъминламоқда. Калинин номли жамоа хўжалигида эса уруш қатнашчилари ва ногиронларга ҳар йили «Туркистон» поездида республика бўйлаб сайр-томоша қилиб келишади.

Уларнинг ҳамда ёлғиз одамларнинг хўжалик эҳтиёжлари учун бепул автомашиналар ажратилмоқда. Шу йил моддий кўмакка муҳтож бўлган 8 нафар ёлғиз қарияга 400 килограмм гуруч бепул ва 4 пенсионернинг уйи 4 минг сўм миқдорида совхоз ҳисобидан таъминлаб берилди. Хўжалик маъмурияти 180 дан ортиқ пенсионерга бир йўла моддий ёрдам кўрсатди. Айни вақтда хўжаликда 20 йил ва ундан ортиқ ишлаган 5 кишига 500 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугина эмас. Жамоа хўжалигидан Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаётган 6 йигит учун уларнинг жамғарма банкидаги ҳисоб дафтарчаларига ҳар ойда 50 сўмдан пул ўтказилиб турилибди.

Бизнинг суҳбат

Бунн мен ҳам тарбия, ҳам ижтимоий ҳимоя деб биламан. Ана шундай ўқувли ва тадбиркор хўжалик раҳбарларини олқишлагим, йигитларимизга эса: «Сиз ҳам оталарингизнинг бундай ҳурмат-иззати, меҳр ва саховатига муносиб бўлинг» дегим ҳамда уларга чин дилдан ишонгим келади.

Ноҳиядаги «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар йили шу корхонадан пенсияга чиққан фахрийларни тантанали табриклаш маросими ҳам ибратлидир. Масалан, 1991 йилги «Балиқчилар куни» байрамида 105 нафар пенсионерга уларнинг кўп йиллик меҳнат стажларини инобатга олиб, 60 минг 740 сўм миқдорида бир йўла моддий ёрдам кўрсатилди, 5 кишига эса, корхона ҳисобидан жами 3650 сўм миқдорида пул тақсимлаб берилди. Буни уларнинг ҳалол хизматлари эвазига берилган рағбат ҳам, мукофот ҳам дейиш мумкин.

Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Калинин, Пскент, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент, Оҳангарон ҳамда Олмалиқ, Янгиобод, Чирчиқ, Ангрен каби шаҳар ва районларда пенсионерларни фақат байрамларда, тўй-хашам ва бошқа онлавий маросимларда «мавсум талаби» асосида эслабгина қолмасдан, балки уларнинг донмий, меҳрибон суянчиқлари бўлишга интилмоқдалар, моддий томондан бир умр зориқмасдан яшашлари учун барча чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Ногиронлар ва ёлғиз беморларнинг уйларига ғалла, гуруч, ун ва ун маҳсулотлари, тайёр озиқ-овқатлар етказиб берилмоқда, бепул кийимкечак билан таъминланмоқда.

1990 йили Паркент ноҳиясида Ғалабанинг 45 йиллигн муносабати билан «Наврўз» байрамига бағишлаб «меҳр-шафқат» марафони ўтказилди. Унда корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари фаол иштирок этдилар. Марафонда 43 минг сўм пул йиғилди. Ноҳия маданият уйида ўйналган пул-буюм лотереясидан тушган, жами 46 минг 380 сўм пул «Наврўз» фондига ўтказилди. Шу ҳисобдан сотиб олинган 2014 сўмлик ун ва гуруч моддий жиҳатдан мухтож оилалар ўртасида тақсимланди. Бундан ташқари кўп болали ва кам таъминланган оиларга 33 та сигир ва 25 бош қўй совға қилинди. Уларнинг фарзандлари эса Тошкент шаҳридаги қўғирчоқ театрига бепул томошага олиб келинди.

Қибрай ноҳиясида вилоят болалар фонди ҳисобидан ногирон қизалоқ Комиланинг ота-онасига чет элда ишланган аравачали-креслони тақдим этишди. Малика, Сайёра ва Турдиқул исмли кам таъминланган аёлларнинг ҳар бирига минг сўмдан пул ёрдами берилди.

Умуман, ҳозирги вақтда вилоятда жами 5027 нафар ёлғиз фуқаро бўлса, шундан ўзгалар парваришига энг муҳтож 2349 нафар киши Президентнинг 1991 йил 27 майда чиқарган Фармонида кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланмоқда.

Суҳбат матнини Эшонқул ҲАЙДАР ёзиб олди.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

● 1960 йилда пенсия ва нафақалар учун қилинган харажатлар 150 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1980 йили 1 миллиард 17 миллион сўмга, 1990 йилда 2 миллиард 226 миллион сўмга етди. 1992 йилда пенсия ва нафақалар учун 6 миллиард 799 миллион сўм сарфланади.

● 1960 йилда пенсионерлар учун саломатлик масканлари ва курортларга берилган йўлланмалар сони 11 минг 700 тани ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 18 минг 54 тага етди. 1990 йилда уларга 25 минг 200 та йўлланма берилди.

● 1980 йилда Улуғ Ватан уруши фахрийларига 1394 та «Запорожец» автомашинаси ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилда 2304 тага ортди.

● 1990 йил 1 январга қадар пенсия ва нафақа олувчилар сони 3 миллион 290 минг 829 кишини ташкил этди, уларга 1 миллиард 725 минг сўм сарфланди.

● Республикада кимсасиз ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатиш учун ижтимоий ёрдам бўлимлари тузилган. Ҳозир 286 та шундай бўлимда 29 минг 901 ногирон ва ёлғиз қарияга хизмат кўрсатилмоқда.

● 1990 йили кам таъминланган оилаларнинг 15 минг 159 аъзосига иттифоқ бюджетидан 4 миллион 392 минг сўм, кўп болали оилалардан 676 минг 551 кишига ҳамда 51 минг 370 ёлғиз оиларга 89 миллион 525 минг сўм харажат қилинган.

ЁРДАМИМИЗГА МУҲТОЖ КИШИЛАР

ЭЪТИБОР

Андижон вилояти. Булоқбоши қишлоғининг Гулистон кўчасидаги 90-уйда истиқомат қилувчи Усвалиевлар оиласида икки фарзанд болаликдан ногирон бўлиб ўсишди. Шунинг учун ҳам уларга болаликдан 1-гуруҳ ногиронлик тонфаси берилди. Ўтган йил август ойида шулардан бири — Бусора Усвалиева жаридамиз таҳририятига хат ёзиб, чет элда чиқарилган ўзиюрар аравача олишларида ёрдам беришимизни илтимос қилган эди. Таҳририятимизнинг илтимосига кўра жумҳурият ижтимоий таъминот вазири Санобар Ахроловна Хўжаева Бусора ва унинг укаси Акмалга Голландияда тайёрланган аравачалардан юбориш тўғрисида буйруқ берди. Аравачаларни Тошкентдан Бусора ва Акмалнинг акалари олиб кетишди.

СУРАТДА: Акмалжон янги чет эл аравачасида ўтириб, онаси ва опаси Бусорага «Саховат» жаридасидан болаликдан ногирон фуқароларга яратилган имтиёзлар тўғрисидаги мақолани ўқиб бермоқда.

● *Билиб қўйган яхши*

ХОРИЖ АЁЛЛАРИНИНГ НАФАҚА ТАЪМИНОТИ

Австралияда қарилик пенсиялари эркаклар 65 ёшга ва аёллар 60 ёшга тўлгач, даромадлари текширилгандан сўнг яшаш шароитини қониқтирадиган даражада белгиланади ва тўланади. Яқинда даромадни текшириш билан бир қаторда мол-мулкнинг ҳолатини ҳам текшириш тартибини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш тартиби қуйидагича:

— болали ёлғиз бева аёлларга пенсия эри вафот этган, ёки ажрашган, хотинини ташлаб кетган бўлса, камида олти ойдан кейин тўланади;

— боласи бўлмаган ёлғиз бева аёлларга пенсия камида 50 ёшга тўлганида — (1 турга мансуб пенсиядан ўтказилган бўлса, камида 45 ёшга тўлганида), эри камида олти ой илгари вафот этган ёки ажрашган, хотинини ташлаб кетган бўлса, тўланади;

— 50 ёшгача бўлган боласиз аёлга, пенсия агар у қийин шароитда яшаётган бўлса, эрининг вафотидан сўнг 26 ҳафта давомида тўлаб турилади;

— беваларга тайинланадиган пенсиянн олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ва ўзлари мустақил равишда бола боқаётган ёлғиз эркаклар ёки аёлларга болани боқиш нафақаси тўланади.

Юқорида кўрсатилган тоифага кирувчи барча шахслар (барча ёлғиз ота-оналар) агар улар яшаш ҳамда даромадни текшириш талабларини қондира олсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Эркакларга нисбатан аёлларнинг кўпчилиги қарилик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини оладилар.

ҚУТЛОВ

Донолар айтганидек, энг улуғ саҳоват — халқни илмли, маърифатли қилиш йўлида кўрсатилган саъй-ҳаракатдир. Ҳаётининг 40 йилини шу саҳоватли ишга бағишлаб самарали меҳнати билан эл-юрт орасида обрў эътиборга эга бўлиб келаётган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Дароб Эргашевич Йўлдошев 60 ёшга тўлди. Дароб ака 40 йиллик меҳнат фаолиятининг 29 йилини Чирчиқ шаҳридаги Алишер Навоий номли 2-ўрта мактабда ўтказмоқда. Тошкент Дорилмуаллимини тугатиб, 1952 йилдан тил ва адабиёт ўқитувчиси, 1954 йилдан 2-ўрта мактаб илмий мудири, 1961 йилдан мактаб директори, 1977—1986 йилларда шаҳар Халқ Таълими бўлими мудири. Яна 1986 йилдан ҳозиргача 2-мактабда директорлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Д. Йўлдошев таълим-тарбия соҳасидаги илғор иш тажрибаларини мактаб ҳаётида қўллайди, ёш ўқитувчиларга ўргатади ва йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳар бир ўқитувчига ғамхўрлик қилади, ишбилармон ўқитувчиларни алоҳида қўллаб-қувватлайди. Ота-оналар билан яқин алоқада бўлиб, мактаб ҳаётига жалб эта олади.

Дароб ака эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, ҳар доим изланишда. У бошлиқ ўқитувчилар жамоасининг ўқув-тарбия ишларида эришган ютуқлари йиллар давомида нафақат Чирчиқ шаҳри, балки Тошкент вилоятида, жумҳуриятда ҳам маълум.

Д. Э. Йўлдошев шогирдлари жумҳуриятимиздаги олий илмгоҳларда, ўрта махсус ўқув юртларида, жамоат ва давлат идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар.

Яна бир бор Дароб акани қутлуғ ёшлари билан табриклаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, мустақил жумҳуриятимиз ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб келаверадилар, деган умиддамиз.

И. ЗЕЦЕР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

З. АСИЛТОЕВ,
Чирчиқ шаҳар Алишер Навоий номли 2-ўрта мактаб директори ўринбосари.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН». ВИДЕОФИЛЬМИ

ЎЗБЕКИСТОН ойнаи жаҳонининг адабий-мусиқавий бирлашмаси ижодий жамоаси Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида уч қисмдан иборат видеофильм тайёрлашмоқда. Сценарий муаллифи ва режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва Ҳамза номидаги жумҳурият давлат мукофотининг совриндори Мақсуд Юнусовдир. Унда таниқли ва ёш актёрлар иштирок этишмоқда. СУРАТЛАРДА: мазкур видеофильмни тайёрлашдаги иш жараёни тасвирланган.

Суратқаш
Эркин МУҲАМЕДОВ.

• МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

КОШИФИЙ

Кошифий Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг назари тушган, Ҳусайн Бойқаро билан шахсан ошно бўлиб, фарзандларига дарс айтган улкан санъаткордир. У тахминан XV асрнинг 30-йилларида Сабзавор вилоятининг Байҳақ ноҳиясида дунёга келган. Бўлғуси адибнинг болалик ва дастлабки таҳсил йиллари ўз ватанида ўтган; ўзининг илмсеварлиги, зуккою нотиқлиги билан эл ҳурматини қозонган. Сўнгра у Нишопур ва Машҳад шаҳарларига бориб, замонасидаги барча билимларни қунт билан ўрганади. 1468 йили Ҳиротга келиб, Абдураҳмон Жомийнинг суҳбатларида иштирок этади, илмий, ижодий ва таълим-тарбия ишлари билан машғул бўлади. 1505 йили шу ерда вафот этди. Асл касби нотиқлик бўлган Кошифий умр бўйи табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида илмий асарлар ёзди, бадиий ижод билан шуғулланди. Ундан бизга қадар 37 та асар мерос бўлиб қолган. Улар орасида «Искандар ойнаси», «Аҳлоқи Муҳсиний», машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна»нинг янги форсий нусхаси, «Анвори Суҳайли», илми нужумга доир «Сабъи Кошшифий» (етти рисоладан иборат), мактуб ёзиш ва иншо битишга доир «Маҳзан ул-иншо», ҳисоб илмига доир «Рисола дар илми аъдод», ганчкорлик химиясига доир «Мафотех-ул-кунуз фи-кимё», мурувват ҳамда жавонмардликка доир «Футуватномаи султоний» каби асарлари Шарқ илм-адаб аҳли орасида жуда машҳурдир. Адиб бадиий асарларида «Кошифий-кашф этувчи» таҳаллусини қўллаган. Катта йиғинларда, диний маросим, тадбир ва байрамда нутқ сўзлашга, ваъз айтишга моҳир бўлгани учун ВОИЗ деб ном олган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ўз асарларида инсондўстлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, мардлик ва жасорат, поклик ва саҳоват, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, камтарлик, хайр-мурувват, меҳр-оқибат сингари ғояларни илгари суради, улкан мутафаккир сифатида панд-насиҳат беради. Адибнинг 1500—1501 йиллари ёзилиб, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган «Аҳлоқи Муҳсиний» асари таълим-тарбияга бағишланган асардир. Қирқ бобдан иборат бўлган китобда ёзувчи ибодат, ихлос, шукр, ризо, ҳаё, адаб, ҳиммат, сабот; адл, авф, яхшилик, шафқат ва марҳамат, таъзим-тавозуъ, аҳдга вафо, омонат ва диёнат, ғайрат, шижоат, сиёсат, ҳақ ва ҳуқуққа риоя қилиш каби кўплаб инсон камолоти учун муҳим бўлган сифатларни таърифлайди. Ҳар бир бобда ана шундай фойдали муаммолар хусусида ўзининг назарий фикрларини баён этар экан, уларни афсонавий, тарихий ва ҳаётий ҳикоятлар билан исботлаб боради, қиссадан ҳисса шаклида насиҳатомуз байтлар билан якунлайди. Кошифийнинг асарлари Ўрта Осиё халқлари илм-фани, аҳлоқий-таълимий қарашлари тарихида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Огаҳий «Аҳлоқи Муҳсиний»ни ўзбек тилига таржима қилган. Буюк бобомиз Алишер Навоий Кошифийни адиб, нотиқ, нозик таъб шоир сифатида алоҳида эъзозлаган. Сидқий Ғондалиқий ҳамда Абдулла Авлоний сингари ўзбек адиблари Кошифий ижодидан файз топганлар.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари доктори.

МУҲАРРИРИЯТДАН:
Адабиётшунос, иқтидорли олим Ҳ. Ҳомидов яқинда докторлик илмий даражасига эришди. Биз олимни бу юксак даража билан чин дилдан қутлаймиз. Бундан кейинги ижодий изланишларида ҳам катта ютуқлар тилаб қоламиз.

ЮРАКНИ ЭҲТИЁТЛАНГ

• *Шифокор огоҳлантиради*

Юракнинг ишемик касаллиги дунёда энг кўп тарқалган дардлардан биридир. Бу айниқса фан-техника ривож топган мамлакатларда, умуман ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишиларда кўп учрайди. Тиббиётда қишлоқ аҳолисига нисбатан, шаҳарда истиқомат қилувчилар бу дард билан бот-бот оғриётганлиги кузатилган. Ишемик сўзи лотинча бўлиб, оч қолиш маъносини билдиради, яъни юрак етарли миқдорда кислород ололмай, оч қолади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, юракнинг муҳим аъзо сифатида кеча-кундуз давомида 8—10 тонна қонни ўзидан ўтказиб, аъзоларга тақсимлаб беришдек муҳим вазифаси ҳам бор. Бу жиҳатдан у «кучли мотор» ҳисобланади. Соғ одамда юрак доимо бир маромда уриб туриши керак. Академик Давировский «тўғри яшашни ва ишлашни юракдан ўрганиш зарур» деб бежиз айтмаган.

Юракда ишемик касалликнинг пайдо бўлиши унга келадиган кислород миқдори ва уни қабул қила олиш ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатидир. Юрак қанча кам кислород олса, шунча муҳтожлик сезаверади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, дарднинг кўриниш-лари турлича. Хусусан, атеросклероз тури кўпинча ёши қайтган ва айниқса кексаларда тез-тез учрайди. Бу хасталикда артерия қон томирларининг ички қаватида ёғсимон моддалар тўпланиб қолиб, томирлар тораяди, асаб тизимининг бузилиши, кишининг жоҳиллиги, керак бўлса бўлмаса ҳаяжонланиш, кўп ташвиш чекиш, тамаки таркибидаги никотин ва спиртли ичимликларга ружу қўйиш ҳам инсонни шу аҳволга солади.

Хасталикнинг стенокардия шаклида юракнинг чап томонида оғриқ пайдо бўлади. Ана шу жараёнда бемор ўз вақтида даволанмаса, бу инфаркт миокард хасталигига олиб келиши мумкин. Натижада юрак устки қисмида чидаб бўлмайдиган оғриқ вужудга келади. Бу вазиятда шифокорга ўз вақтида мурожаат қилмаган бемор хунук оқибатларга дучор бўлиши ҳам тайин.

Энди юрак хасталикларини даволаш ҳақида гапирсак. Аввало уни турли хуружлардан эҳтиёт қилмоғимиз даркор. Жисмоний меҳнат, спорт билан шуғулланган киши ҳам бундай дардга мубтало бўлмайди. Имконият борича асабни сақлаш, ўз вақтида ишлаб, ўз вақтида дам олиш дардни бартараф этадиган чоралардан биридир. Ҳаяжонланиш вақтида киши ўзини оғир тутиши, соғлом фикрлаши юрак қон томирининг сиқилишидан сақлайди. Узоқ давр давомида тамаки чекиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш ишемик касалликнинг ашаддий душмани эканлигини унутмаслик лозим. Албатта, ҳар бир инсоннинг саломатлигини сақлаш ўзига боғлиқ. Киши маълум меъёрда овқатланиб, вақтида ишлаб, вақтида хордиқ чиқарса, ёмон одатлардан ўзини тийса албатта у узоқ умр кўради.

Шоира КОМИЛОВА,
биринчи даражали шифокор-терапевт.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Сурхондарё воҳасининг Сариосиё ноҳиясида **«Хиловот»** деган қишлоқ бор. Бу сўз юнонча-русча луғатда ҳам учрайди. «Хиловот» юнончада хиловатос тарзида ёзилади.

Бироқ одатда тилимизда юнонча атамаларнинг «ос» қисми тушиб қолади. Масалан: Александрос — Александр, Платонос — Платон тарзида қабул қилинган. Худди шунингдек, юнонча хиловатос ҳам хиловот шаклида сақланиб қолган. Асл маъноси — минг тепа дегани экан.

«Паркана» — қадимий тожик тилида «берк водий» деган маънони. Помирдаги Рушон шевасида чаркона «ҳар тарафи тоғ, бир ёғигина очиқ водий»ни англатган.

Милоддан аввалги II асрда Фарғона **«Довон»** деб номланган. Н. Я. Бичурин Хитой тилида — «До» — катта ва «вон» — ҳудуднинг номи, деб изоҳлайди.

С. ОДИЛОВА.

• *Муҳаббатнома*

«СЕНГА АЙТМАЙ, САҚЛАДИМ СИР...»

ЭЛЧИ ХУСУСИДА

ИШҚ ва АЖАЛ ҳақдир, дейдилар. Негаки, хоҳ иста, хоҳи йўқ, барибир. Ишқдан ҳам, Ажалдан ҳам қочибқутила олмассан. Модомики, сукут сақлашдан не фойда.

Кимлардир муҳаббатни сир тутмоқликни хуш кўрадилар ва бошқаларга ҳам шуни маслаҳат берадилар. Мен эса ўйлаб қоламан: Наҳотки, юракка буйруқ бериш мумкин? Ахир, айтишганку: «Қалб бошдан ҳам тўғри ҳукм чиқаради», деб. Назаримда муҳаббатни сир тутмоқ, лаққа чўғни ютиб, индамай юрмоқ билан тенгдир. Лаққа чўғ ичингизда ёниб турадию, уни пинҳон эта оласизми?

Кимлардир ўз севгисини суюклисига учинчи бир одам орқали маълум қиладилар. Бу одат ошиқлик расмига тўғри келмайди. Юрагида муҳаббати бор одам мақсудини ўз ҳоли тили орқали сўзлагани маъқул. Негаки, муҳаббат бир буюм эмас-ки уни кимнингдир воситасида хатжилдга солиб, бериб юборилса.

Маним бу севгими, жоно, сўровлар айта олмайдур,
Фақат менга аён сирни бировлар айта олмайдур.

Муҳаббат бир қуёшдирким, унинг уфқи юрак эрғай,
Ўзинг дил очмагайсан гар, яловлар айта олмайдур.

Севги тулпорини минган киши ҳолин сўрар бўлсанг,
Чавандоз иштиёқин кўр, бедовлар айта олмайдур.

Ҳавас ёки шубҳа бирдай хаёлда исён этгайким,
Дилингга сен қулоқ солгил, синовлар айта олмайдур.

Севги бонс битилди бу, муаллиф номини сўрма,
Қалам-тунгуч қоғоз-тилсиз, соқовлар айта олмайдур...

ОШИҚЛАР ХУСУСИДА

МУҲАББАТ дардига мубтало киши висол шарбатидан, ё ажал келмагидан шифо топар экан. Ё униси, ё буниси насиб этмагунча гоҳи ҳуд, гоҳи беҳуд — телбанамо бўлиб юраверади, дейдилар. Ва уларни бу аҳволи учун айбламак, маломат қилмак иймондан эмас. Ҳатто бундай пақтда силаи раҳм кўргузмак учун саъйи ҳаракат қилган одам ҳам телбаю, ошиққа насиҳат айтмоқ фикрига борган киши эса нодондир. Чунки ОШИҚ биргина суюклисининг марҳамати ҳамда сўзини тан олади, холос. Ўзгалар олдида у КЎР ва КАРдир. Шу боиздан ҳам ошиқ одамни ўз ҳолига қўймоқ ва агар сўзлашмоқ истаса, эътибор билан тингламоқ оқиллик белгисидир.

Ошиқлик-телбаликдир, деб бежиз айтмаган машойихлар. Фақат фарқи шуки, телба одам кулиб туриб йиғлайди, йиғлаб туриб қулади. Ошиқ эса (айрилиқ юкидан эзилиб-эзилиб) йиғлайди.

Айрилиқ кунлар сенинг дардингда пинҳон йиғладим,
Неки пинҳон, дилбаро, кўнгулда қон-қон йиғладим.

Ўртади соғинч мени, ҳижрон юракни тиғлади,
Икки ўтнинг бағрида бўлгунча бирён йиғладим.

Лашкари дардинг беаёв жисми зорим топтади,
Ушбу яғмо боиси дил мулки вайрон, йиғладим.

Келмагай раҳмнинг сира бечора ошиқ ҳолига,
Найлайин, ўз ҳолима ҳоли паришон йиғладим.

Дилмурод, ёр васлига етмоқ азал мушкул экан,
Шу сабабдин йиғламоқин билдим осон — йиғладим!

СУЮКЛИ ЁР ХУСУСИДА

ОШИҚ учун севгилисидан-да яқин, севгилисидан-да мукаррам киши йўқдир. Шаккоклик бўлса-да, суюкли ёр Тангрига қиёсланади. (Муҳаббат берган Аллоҳ-да, бу шаккоклиги учун ошиқнинг гуноҳидан кечади!).

Ошиқ наздида севгилисидан-да гўзалроқ гўзал, назокатлироқ дилбар бўлмайди. У ёрини соғинади, ёрга талпинади, ҳаттоки сиғинади.

Эй суюкли ёрлар! Мартабангизни қисман бўлса-да, баён қилдим. Сиздан тилагим мана шу мартабага доим лойиқ бўлиб юринг. Майли, ошиқ Сизга етиша олмасин, муроди ҳосил бўлмасин, бу билан Сизнинг ошиқ наздидаги мартабангизга зиён етмайди. Аммо унга сўз бериб, вафо қилмасангиз, диёнат қолиб, хиёнат кўчасига қадам боссангиз, ОШИҚҚА зулм қилган бўласиз. Энди у Сизни дуои бад қилади. Зеро, мазлумнинг қарғиши ижобатдир!

Яна билиб қўйинг-ки, ошиқлар кўнгли кўпинча тортинчоқ, истиҳолали бўлади. Муҳаббатини, тилагини очиқ-ойдин айтмоққа ҳадди сиғавермайди. Гарчи суюклиси ундан арзи ҳол, арзи ишқ кутиб, баъзида сўз орасида унга ишорали, белгили саволларни берса ҳам, ошиқ бу имкониятлардан фойдаланмай, соқов бўлиб (ёки сўзини йўқотиб-каловланиб) тураверади. Шундай дамда Ошиқни тўғри тушуниш, ундан ранжимаслик зарур. Зеро, у шундоқ ҳам ўз ҳолидан ўзи азоб тортаётган бўлади.

Минг афсуски, гоҳо суюкли ёр уни тўғри тушуна олмайди... Ошиқ бир умрга армонда қолади...

Сенга айтмай сақладим сир, сирим армонга айланди,
Тилаклар кўшкини буздн-насим бўронга айланди.

Кўзимдин Нил бирла Жайҳун сизиб юзларни ювмоқда,
Аларни тўлдириб гўё дилим уммонга айланди.

Мени тарк айлади дилдор, вале ёди кўнгул ичра,
Маним армонли ишқимки, бу кун ниммонга айланди.

Видолашдик, дедим: «Сенга туганмас бахт тиларман ёр!»

Шу они бу тилак ҳам, ваҳ, куюб ёлғонга айланди...

Дилмуроднинг дили ғамгин, муроди бўлди-ю сарсон,
Юрак-бағри тўлиб зардоб, ёши ҳам қонга айланди.

ЯКУН

МУҲАББАТДА ягона дастур йўқ. Шу боиздан ҳам ҳеч ким ҳеч кимга: «Ундоқ эмас, бундоқ севиш керак, уни эмас, буни севгин», дея маслаҳат, йўл-йўриқ, кўрсатма бера олмайдир. Зеро, муҳаббатнинг кўзлари кўр бўлади, дейди машойихлар. Бундан маъно шуки, кимни севиш, қандай севиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Мен эса ушбу орқали муҳаббат борасидаги ўз тушунчамни баён этдим, холос. Мазкурдан қандай хулоса чиқариш ўқувчининг ўзига ҳавола.

Жаҳон кенгдир — ундаги жой сенга ҳам, менга ҳам етгай,
Талашма кўп чекиб «оҳ-вой», сенга ҳам, менга ҳам етгай.

Букун мен вонзу[1] бунда, сен-сомеъсан[2], бу ҳам тақдир,
Магар минбар қилурсан рой[3], сенга ҳам, менга ҳам етгай

Ишқда ўзни танҳо билма, Фарҳод Мажнунни ёд айла,
Алардан қолган бу сарой, сенга ҳам, менга ҳам етгай.

Унутма ҳеч, эй Дилмурод, муҳаббат ҳам ўлимдек ҳақ,
Билмассан сен гар-ҳайноҳой, сенга ҳам, менга ҳам етгай.

Дилмурод САИДОВ.

[1] Воиз — ваъз айтувчи;
[2] Someъ — тингловчи;
[3] Рой — ҳоким;

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
17, 18, 19 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

«КЎЗГУ» ДЕМОКРАТИК ТЕАТРИ ЯНГИ ТОМОШАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон халқ артисти
Бахтиёр ИХТИЁРОВ
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирзабек ҲОЛМЕДОВ
Ўзбекистон қизиқчи ва аскиячилар кўригининг совриндори
Тўхтамурод АЗИЗОВ

Театр ва кино артисти Матёқуб МАТЧОНОВ.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 да сотилади.
Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.
Телефонлар: 45-92-13, 33-67-73.

ВАЗИРЛИКЛАР, КОМИТЕТЛАР, МАҲКАМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ, КИЧИК КОРХОНАЛАР, БИРЖАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«МАЪРИФАТ» МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЎҚУВ-МАЪРИФИЙ ДОРИЛФУНУНИ

1992 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ПАЙТЛАРДА УЛАРНИНГ ЖОЙИДА

ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРНИ ОЧАДИ

— рус тилида сўзлашувчи аҳоли учун ўзбек тили;
— ўзбек тилини яхши билмайдиган ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари учун ўзбек тили;
— араб имлосидаги эски ўзбек тили;
— ўзбек тилида иш юритиш;
— инглиз тили ҳамда Шарқ ва жаҳоннинг бошқа тиллари.

ЎҚИШ УЧУН ШАРТНОМА АСОСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ:

— битта тингловчи учун ташкилотлар ва муассасалар учун — ойига 25 сўм;
— ўқувчилар ва талабалар учун — ойига 15 сўм.
Ўқиш муддати — 100 соатли дастур бўйича 6 ой.
Ҳоҳишга кўра ўқув муддати узайтирилиши мумкин.
«Маърифат» дорилфунуни корхоналар ва ташкилотлар учун шартнома асосида ўзбек тилидан рус тилига, рус тилидан Давлат тили — ўзбек тилига таржимонлар тайёрлашни ташкил қилади.

МАШҒУЛОТЛАР ДОРИЛФУНУН БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой. Бир киши учун ўқиш ҳақи — ойига 300 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.
Курс охирида — гувоҳнома берилади.
Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан бўладиган ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларининг кенгайиши муносабати билан «Маърифат» дорилфунуни бошқа мамлакатларда яшовчи ватандошларимиз бўлмиш фуқаролар учун ўзбек, рус, эски ўзбек (араб имлоси асосида) тилларига ўрганиш юзасидан шартномавий асосларда ўз хизматларини таклиф этади. Ўқитувчиларнинг чет элларга чиқиши кўзда тутилади.

Юқорида кўрсатилган барча мутахассисликлар бўйича шартнома асосида ишлаш учун тажрибали муаллимлар керак.
Шартномада кўрсатилган пулнинг 50 фоизи ҳисобидан энг юқори миқдорларда ҳақ тўланади.

Корхоналар ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш билан боғлиқ ишлар юзасидан меҳнат шартномаси бўйича штатдан ташқари ишлаш учун ИНСПЕКТОРЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР. Уларга ўзлари тузган шартномадаги пул миқдорининг 10 фоизи тўланади (бутун шартнома пули келиб тушган тақдирда, албатта);

— **икки тилда ёза оладиган юксак малакали машинистка КЕРАК;**

— **маслаҳатчи-ҳуқуқшунос**

КЕРАК

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, Марказ-1, 9-уй (консерватория қаршисида).
Телефонлар: 32-11-31, 33-61-25.

«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИР» СТАНЦИЯСИНИНГ 2-ВАГОН ДЕПОСИ

йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали чилангар, йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали дурадгор, 3—4—5 даражали чилангар-сантехник, 4—5 даражали ойнасозларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўртача иш ҳақи — 500—700 сўм.

Мутахассисликка эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой давомида ўқитиладилар.

Шахсий ҳужжатлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд қилинган шахслар ишга қабул қилинадилар.
Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ҳ. Умаров кўчаси, 8-уй, 2-ВЧДнинг расмийлаштириш бўлими (11, 40, 45, 50, 67-автобуслар; 14-троллейбус: 25-маршрут таксисининг «Салор арғи» бекати).

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босмага топшириш вақти — 20.30. Босмага топшарилди — 18.30. 30579 нусха босилди.